

Шайх Салоҳ Абул Ҳож ҳазратларининг пойтахтимиздаги олий ва ўрта махсус ислом билим юртларига ташрифи



22:00 / 28.11.2023 1804

Бугун, 28 ноябрь куни **шайх Салоҳ Абул Ҳож** ҳазратлари «**Кўкалдош**» ўрта махсус ислом билим юртига қилинган учрашувдан сўнг Ўзбекистон муслмонлари идорасига ташриф буюрдилар. Азиз меҳмонни Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, **муфтий Нуриддин Холиқназар** ҳазратлари шайх Абул Ҳож ҳазратларини қабул қилдилар.



Учрашув чоғида шайх Абул Ҳож ҳазратлари муфтий Нуриддин домла ҳазратларига Бухорода ўтказилган нуфузли конференциядаги фаол иштироки учун миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, муфтий Нуриддин домла ҳазратлари ҳам шайх Абул Ҳож ҳазратларига халқаро анжуманга қилган ташрифлари учун ташаккурларини изҳор этдилар.

Сермазмун ўтган учрашувда бу маскан қадимдан Ислom дини маркази бўлгани, бу диёрлардан етишиб чиққан алломалар, хусусан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғилоний каби мутафаккирларнинг бутун дунёда Ислom дини ривожига муносиб ҳисса қўшганлари ва қадим анъана бугунги кунда ҳам давом этаётгани таъкидлаб ўтилди.

Доктор Салоҳ Абул Ҳож ҳазратлари ушбу учрашувда қуйидаги жумлаларни келтирди:

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Фатво марказининг фаолияти ниҳоятда қувонарли ҳолат. Ҳатто, Араб мамлакатларида ҳам бундай улкан фатво маркази мавжуд эмас. Ушбу марказдаги фатволарни электрон, овозли, ёзма, видео тарзида бериш, фуқаролардан келаётган саволларга тезкор жавоб бериш масаласида қилинаётган ишларни таҳсинга сазовор деб биламан. Бу каби ислохотларни кўплаб мусулмон мамкалатларига намуна ўлароқ тарғиб қилса арзийди деб ҳисоблайман.

Ушбу суҳбат дўстона ва самимий руҳда ўтди.





Кейин азиз меҳмон Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтига ташриф буюрдилар.

Меҳмонларни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари, ТИИ ректори, сиёсий фанлар доктори, профессор Муҳаммадолим домла Муҳаммадсидиқов кутиб олиб, институт тарихи ва фаолияти билан таништирди.



Ташриф давомида шайх Абул Ҳож ҳазратлари институтнинг мударрислари ва талабалари билан учрашиб, суҳбат қилиб, уларга муҳим насиҳатлар қилдилар.

Учрашув жараёнида талабаларнинг саволларига жавоблар берилди.





Куннинг иккинчи ярмида шайх Салоҳ Абул Ҳож ҳазратлари Ўзбекистон халқаро ислом академиясида меҳмон бўлдилар.

Азиз меҳмон билан бўлган учрашувда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Уйғун домла Ғафуров, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирок этди.

Учрашувда Академия вакиллари доктор Салоҳ Абул Ҳожни юртимизда, хусусан, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида кўриб турганидан мамнунлигини билдирди.

Сухбат давомида Академия илмий салоҳияти, факультетлар ва улардаги таълим йўналишлари, талабаларга билим беришда ўзига хос ёндашувлар ҳақида маълумот берилди.

Самимий мулоқотда шайх Салоҳ Абул Ҳож ҳазратлари юқори даражадаги ҳурмат ва меҳмондўстлик учун Академия мутасаддиларига самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотларга юқори баҳо бердилар. Бу замин азалдан йирик уламолар, мутафаккирлар юрти эканини эътироф этдилар.







Учрашув якунида ҳурматли меҳмонга эсдалик совға топширилди.